• *Фармон ва ижро*

# СОЛИҚЛАРНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ АҲАМИЯТИ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиққа тортиш услубиёти бошқармасининг бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди Э. ГАДОЕВ билан мулоқот**

**— Эркин Файзиевич, Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинганига олти ой бўлди. Бу ҳужжатда бир қатор солиқ турлари бекор қилиниб, янгилари жорий этилган, солиққа тортиш тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилган эди. Суҳбатимиз аввалида солиққа тортиш соҳасида амалга оширилаётган ана шу ислоҳотлар ҳақида муштарийларга бироз маълумот бериб ўтсангиз.**

— Ушбу фармоннинг қабул қилиниши республикамиз иқтисодиётини ислоҳ қилишни янада ривожлантириш ва иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солинишининг асосий мурувватларидан бири-солиқ сиёсатини такомиллаштириш зарурати билан боғлиқ. Асосий мақсад эса корхона ва ташкилотлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш ва уларнинг рағбатлантирувчи ролини янада ошириш, солиқларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартибини мумкин қадар соддалаштиришдан иборатдир. Масалан, корхона ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар миқдорини камайтириш ниятида айрим солиқ турлари, жумладан:

а) хорижий мамлакатлар ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи республикалар билан ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, юртимиздан ташқарига чиқариладиган маҳсулот ва товарларни айирбошлаш ҳисобига четдан турли маҳсулот ва товарларни арзонроқ нархларда келтириб, ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсадида республика ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган хомашё ресурслари ва маҳсулотда олинадиган солиқлар;

б) аҳолининг барча табақаларидан олинадиган даромад солиғининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат ҳақи фондига солинадиган солиқ;

в) республикамизда ўрмончилик хўжалиги соҳасини янада кенгайтириш ва кескин ривожланишини таъминлаш мақсадида ўрмон хўжалигидан тушадиган даромадни олиб қўйиш бекор қилинди.

1995 йилнинг 1 январидан бошлаб, шунингдек, ҳуқуқий шахслар даромадидан олинадиган солиқ ўрнига фойдадан солиқ ундиришга ўтилди. Яъни эндиликда корхона ва ташкилотларнинг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ тўловлари маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига кирувчи харажатлар сифатида уларнинг ялпи даромадидан чегириб ташланмоқда. Натижада корхоналар, ташкилотлар ва тадбиркорларнинг ўз фаолияти натижаларини олдиндан кўра олиш имкониятлари янада кенгайди. Чунки улар ўз даромадларию харажатларини, оладиган фойда ва солиқ тўловларини, ихтиёрларида қоладиган соф фойда ва ундан фойдаланиш йўналишларини режалаштириш имкониятига эга бўлдилар.

Фармонда фойдадан солиқ ундиришнинг рағбатлантирувчи томонлари ҳам белгиланган. Дейлик, амалдаги солиқ меъёрлари:

— маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажмини бир фоиз оширганлик учун 0,3 фоиз миқдорда;

— ҳақиқатда олинган баланс фойдасининг 30 фоизидан 50 фоизигача қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, уни қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантиришга фойдаланилган тақдирда 5 фоизга, 50 фоизидан ортиқ қисми фойдаланилган тақдирда эса 10 фоизга пасайтирилди.

Бундан ташқари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотлар уй-жой ҳамда ижтимоий-маданий қурилишга ўз фойдасидан сарфлаётган маблағларининг 50 фоизи фойда солиғидан озод қилинди.

**— Фармонда белгиланган қоидалар: янги солиқлар, солиққа тортиш тартиби ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қандай таъсир кўрсатаётгани хусусида дастлабки хулосаларни айтишнинг имкони борми?**

— Албатта. Давлат солиқ қўмитасининг мутахассислари томонидан барча солиқлар, айниқса, янги киритилган солиқларнинг амал қилиши, уларнинг корхона ва ташкилотлар фаолиятига таъсири мунтазам ўрганиб борилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, биргина фойда солиғининг жорий қилиниши оқибатида корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва товарларнинг арзонроқ нархларда тезроқ сотилиши таъминланаётир. Муомаладаги маблағлар айланишининг тезлашуви эса давлат бюджетига солиқларнинг тушишини фаоллаштирмоқда.

Фармонга мувофиқ, маҳсулот ва товарларнинг сотилишидан ундириладиган қўшимча қиймат солиғи ставкасининг 20 фоиздан 18 фоизгача камайтирилгани, акцизга тортиладиган товарлар учун солиқ ставкаларининг қайта кўриб чиқилгани, айрим халқ истеъмол товарлари, жумладан, мебеллар учун ушбу солиқнинг бекор қилингани ёки белгиланган солиқ ставкаларининг озайтирилгани ҳам ишлаб чиқарувчилар фаолияти ва иқтисодига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**— Ўша ҳужжатда ер ва ундан фойдаланишдаги ачинарли аҳволга барҳам бериш учун ер солиғининг янги меъёрлари ҳам белгиланган. Бироқ айримлар ҳозирданоқ унинг юқорилигини айтишмоқда. Бунга сиз қандай муносабат билдирасиз?**

— Бугунги кунда миллий бойлигимиз — ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш ўта долзарб муаммолардан биридир. Шу боис ер солиғининг жорий қилиниши корхона ва ташкилотларни ҳам, фуқаро ва тадбиркорларни ҳам ортиқча майдонларни эгаллаб турмасликка, мавжудларидан эса самарали фойдаланишга рағбатлантириши лозим. Унинг меъёрлари хусусига келсак, нафақат мутахассис, балки шу юртда туғилиб ўсган бир оддий фуқаро сифатида битта ҳақиқатни аниқ айта оламан: ер солиғи, айниқса, фуқаролар тўлаётгани келажак авлодларимизнинг ҳам мулки бўлмиш она-заминнинг ҳақиқий баҳоси эмас. Қолаверса, ҳар биримиз ерни қадрлашни ўрганишимиз керак, йўқса, у бунга барибир мажбур этади. Шу маънода ер солиғи миқдорини юқори деб бўлмайди. Устига устак дунёда амалдаги солиқ меъёрлари Ўзбекистондагидан анча юқори бўлган давлатлар ҳам оз эмас. Тўғри, улар ривожланган, аҳолиси эса бой давлатлардир. Ўтиш босқичида турган бизнинг республикамиз ва аҳолимиз эса маълум иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Фармонда ишлаб чиқарувчига ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўзда тутилганининг сабаби ҳам шунда. Бу Ўзбекистондаги иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Зеро, барча омиллар, жумладан, солиқлар ҳам шу иқтисодий сиёсатнинг муваффақиятига хизмат қилиши керак. Ўшанда ҳозирча оғир бўлиб туюлаётган солиқ меъёрлари имтиёзли солиқ меъёрларига айланади. Бунинг учун эса ҳар биримиз ўз ишимизни замон талаби даражасида бажаришимиз лозим.

**— Фармонда, маҳаллий бюджетнинг салмоғини кескин ошириш мақсадида 1995 йилда Қорақалпоғистон Республикасида, Жиззах, Наманган, Сурхондарё вилоятларида қўшимча қиймат, ер, акциз, корхона фойдасидан олинадиган солиқлар ва фуқаролар тўлайдиган даромад солиғи тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетга тушади, дейилган. Бунинг сабаби нимада? У қандай натижалар бериши мумкин?**

— Солиқларнинг бюджет тизимлари ўртасида тақсимлаш нисбатларига янгича ёндашилгани, яъни маҳаллий бюджетлар салмоғининг оширилиши, аввало, ушбу маблағлардан тегишли маъмурий ҳудудларда ижтимоий-итисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш имконини яратди. Бу тадбир, қолаверса, маҳаллий бошқарув идоралари томонидан корхона ва ташкилотларга солиқ имтиёзларини бериш натижасида умумдавлат бюджетига тушадиган солиқларнинг ҳам камайишига сабаб бўладиган салбий ҳолатларга барҳам бермоқда. Солиқ имтиёзлари ўрнига маҳаллий бюджетлардан мақсадли маблағлар ажратилиши эса ана шу сармоядан кўзда тутилган тадбирларда фойдаланиш ва уни назорат қилиш самарадорлигини ошираётир.

**— Тадбикорлик фаолияти билан боғлиқ қатор солиқ имтиёзлари ҳам муштарийларни қизиқтиради.**

— Ҳужжатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш-техник аҳамиятга молик маҳсулотлар, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш, шунингдек, қурилиш фаолияти, таъмирлаш, тузатиш-қурилиш, маиший ва коммунал хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хусусий корхоналар рўйхатга олинган кундан бошлаб икки йил мобайнида даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилиниши, хусусий корхоналарнинг даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқйш чоғида солиқ солинадиган база ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, қайта ташкил қилишга, техник жиҳозлашга сарфланадиган маблағ миқдорида камайтирилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Президентимизнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳам солиқ сиёсатини барқарорлаштириш, тўғри йўлга қўйиш, табиий ресурслардан фойдаланиш борасида солиқнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш, техник қайта жиҳозланишни фаол олиб бораётган, яъни маҳсулотлар мўл-кўллигига замин яратаётган корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, солиқ меъёрини ошириш орқали табиий бойлик ва захираларимиз, мулкдан фойдаланиш самарадорлигига эришишни иқтисодий ислоҳотнинг муҳим йўналишлари сифатида таъкидлаб ўтди. Республика Давлат солиқ қўмитаси ҳозир ана шу йўналишлар бўйича иш олиб бормоқда.

**Ибодулла ЎСАРОВ**
**суҳбатлашди.**

• *Ислоҳот одимлари*

***Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг ташаббуси билан «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг шаҳарларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича тўпланган ижобий тажрибаларни ўрганиш» мавзуида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда қўмита, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтлари, «Усто» бирлашмасининг раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассислари, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз сингари тарихий шаҳарларнинг бош меъморлари, таниқли меъмор ва муҳандислар иштирок этдилар.***



# ШАҲАР... ЛОЙИҲАДАН БОШЛАНАДИ

Анжуманни Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Фарҳод Бакирхонов кириш сўзи билан очди.

— Бозор иқтисодиёти республикамиз халқ хўжалигининг барча жабҳаларида бўлаётгани каби меъморчилик ва шаҳарсозликда ҳам жиддий ислоҳотларни амалга оширишни, бу соҳада туб ўзгаришлар қилишни талаб этмоқда, — деди у. — Бошқача айтганда, бизнинг олдимизда ҳозир шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, шаҳарларнинг тарихий қисмларини комплекс қайта қуриш бўйича дастурлар тайёрлаш, савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотларини жойлаштиришни тартибга солиш, шаҳарсозлик, меъморчилик ва лойиҳалашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ерларининг қийматини иқтисодий баҳолаш асосида аниқлаш, шаҳарсозлик кадастрларини ишлаб чиқиш, мутахассисларнинг касб маҳоратини оширишдек муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Шу жиҳатдан олганда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти шаҳарларида қурилиш бўйича тўпланган тажрибаларни ўрганиш, уларни амалиётда қўллаш масалалари бугунги семинар-кенгашнинг кун тартибига қўйилгани муҳим аҳамият касб этади.

— Меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасида пойтахтимизни тажриба майдони деб атасак, муболаға бўлмайди, — деди Тошкентнинг бош меъмори М. Расулов. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисидги қарори бўйича олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари бунга яққол далил бўла олади. Шу билан бирга, шаҳримизда жаҳон андозаларига жавоб берадиган, барча қулайликларга эга бўлган, замонавий компьютер тизимлари ва турли хил анжомлар билан жиҳозланган «кўп юлдуз»ли меҳмонхоналар мажмуаларини барпо этиш, транспорт серқатнов бўлган чорраҳаларда осма йўллар ва кўприкларни бунёд қилиш юзасидан лойиҳалаш ва қурилиш ишлари жадаллаштирилмоқда. Деҳқон бозорларини қайта қуриш, янги турар жой мавзеларида махсус гузарлар яратиш борасида эса бир қатор тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Бу юмушларнинг ҳаммаси 2010 йилгача мўлжалланган бош режа асосида амалга оширилаётир.

Семинар-кенгашда, айниқса, «Тошкентбошлойиҳа» илмий-тадқиқот институтининг лойиҳалар бўйича бош муҳандиси, шаҳар бош режасининг муаллифи Н. В. Гусеванинг «Тошкент шаҳрининг ерини комплекс иқтисодий баҳолаш» мавзуидаги маърузаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. У ҳозирги шароитда ердан фойдаланиш шартлари ҳақида, унинг реал қийматини аниқлаш, шаҳар ер кадастрини тузиб чиқиш билан боғлиқлиги хусусида тўхталиб, ана шу масалаларни ҳал этишнинг фурсати келганлигини таъкидлади.

Шу институт раҳбарининг илмий ишлар бўйича муовини, меъморчилик номзоди Ю. Акопжоняннинг фикрича, пойтахт минтақаси шаҳарсозлигининг ривожини шакллантиришда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти катта. Биринчи навбатда пойтахт шаҳарсозлигининг кодексини ишлаб чиқиш лозим. Бунда, албатта, ушбу кодекснинг республика қонунчилигидаги ўрнига, шунингдек, шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий тизими, асослари ва меъёрлари бузилишининг олдини олиш ва жазо чораларини қўллашга оид моддаларини тузишга алоҳида эътибор берилмоғи керак.

Тошкент шаҳар бош меъморининг биринчи муовини, архитектура номзоди Р. Валиев ўз маърузасида пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикр юритди.

— Турар жойларни барпо этишда жамоатчилик тадбирларини ўтказишга, оммавий-маданий-маърифий ишларни олиб боришга мўлжалланган маҳалла марказларини тиклашга хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштиришга эътибор берилаётгани мазкур ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилгандир, — деди у.

Анжумандаги маърузаларда меъморчилик ва шаҳарсозликдаги ютуқлар билан бир қаторда бу соҳадаги муаммолар ҳам тилга олинди. Уларни бартараф этиш юзасидан бир қанча таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, меъморчилик ва шаҳарсозлик билан боғлиқ бўлган барча турдаги фаолиятларни тартибга солиш, аҳоли пунктларини режали ривожлантириш ва уларни атроф-муҳит муҳофазасини ҳисобга олган ҳолда қайта қуриш, хавфсиз ҳаётий муҳитни шакллантириш, аҳоли пунктларининг меъморий-бадиий образини мужассамлаштиришда «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Қонун муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Айни пайтда ушбу Қонун лойиҳаси вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларда муҳокама қилинмоқда. Яқин орада эса у Олий Мажлис муҳокамасига киритилади.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Тошкент шаҳридаги янги қурилиш иншоотларини бориб кўрдилар, «Тошбошлойиҳа» институтида эса шаҳар марказини қайта қуришга оид ҳужжатлар ва мазкур ҳудудда барпо этиладиган биноларнинг макетлари билан танишдилар. Институт шаҳарсозлик бўлимининг бошлиғи В. М. Михеэлян уларга шаҳар транспорт тизимини ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапириб берди. Айтилишича, келгусида Навоий ва Ш. Рашидов, А. Темур ва Х. Асомов, М. Горький ва «Буюк ипак йўли», А. Қодирий ва Ғ. Ғулом, Мирсолиҳов ва А. Қодирий кўчаларида осма йўллар, Бўржар, Жун ва Салор каналларини кесиб ўтган Бобур кўчасида янги кўприклар барпо этилади. А. Қодирий, Ғ. Ғулом, «Фарғона йўли», Туроб Тўла кўчалари қайта қурилади. Ҳадра майдони ва Фарҳод кўчаси, Навоий ва Ш. Рашидов, Пушкин ва Абдулла Тўқай кўчаларининг кесишмаларида пиёдалар учун ер ости йўллари бунёд қилинади.

Яқинда ушбу анжуман республика шаҳарсозлиги равнақи йўлида муҳим аҳамиятга эга эканлиги яна бир карра таъкидлаб ўтилди. Унда меъморчилик ва шаҳарсозликни янги поғонага кўтариш бўйича биринчи галда амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

**Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармасининг бошлиғи.**

**М. ОДИЛОВ,**
**архитектура ва шаҳарсозлик маҳаллий органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимининг бошлиғи.**

# ДЕҲҚОНЛАР МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛДИ

«Халқобод» деҳқонлар ижара хўжалигида Кегейли тумани қишлоқ хўжалик ходимларининг маслаҳат кенгаши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши ва Қишлоқ хўжалик вазирлигининг етакчи мутахассисларидан иборат комиссиянинг туманда ўтказган текширув якунлари муҳокама этилди. Кенгашда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 майдаги мажлисида ўртага қўйган вазифалар асосида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков Кенгашда сўзга чиқди.

Қорақалпоғистоннинг Оролбўйи ҳудудидаги барча туманларда ҳам ана шундай кенгашлар ўтказилди.

**(ЎзА).**

• *Халқ таълими*

# ЎҚУВЧИЛАР ҲУНАР ҲАМ ЎРГАНИШАЯПТИ

**Яна 5-6 йилдан сўнг мактабларимизда ҳар йили 1000 куб метрдан ортиқ ёғоч ва юзлаб тонна мева тайёрлаш имкониятига эга бўламиз**

***Истиқлолга эришиб, ўзлигимизни таниб мустақил қадам қўйган кунимиздан халқ таълими тизимининг бугуни ҳамда эртаси ҳақида қайғуриш ҳаммамизнинг бурчимиздир.***

Таълим ва тарбия мазмунини чуқурлаштириш, дарс самарадорлигини ошириш, мориф шохобчаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, халқ таълимига энг билимдон ва салоҳиятли кишиларни жалб этиш ҳамда малакаларини тинмай ўстириб бориш биз педагогларнинг доимий эътиборимизда.



Юртбошимиз республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида беш тамойилнинг белгиланганини ва унда иқтисоднинг сиёсатдан устун эканлиги биринчи галда таъкидланганини бежиз эмас. Негаки, биргина мактабларни оладиган бўлсак, унда мустаҳкам моддий базасиз ёшларни рисоладагидек илмли, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш мумкин эмас. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони айни кунда ўқувчи бўлган, келажакда турли соҳаларда меҳнат қиладиган ўғил-қизларни бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини бемалол бошқариб кета оладиган мукаммал мутахассислар тайёрлайдиган мураббийлар зарурдир. Шунинг учун ҳам эътиборни ўқувчиларнинг мумкин қадар кўпроқ иқтисодий билим олишларига қаратмоқ даркор.

Ҳозирда Бахмал туманида 22,5 минг нафар ўғил-қизни ўз бағрига олган 60 та мактаб, иқтидорли ўқувчилар учун янги типдаги ўқув муассасаси, мактаб-интернатлар фаолият кўрсатмоқда.

Ана шу мактабларимизда бугунги кунда мустақил хўжалик юритиб, мумкин қадар маблағ топиш имконияти юзага келди. Боғ ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш мактаб устахоналарида турли буюмлар тайёрлаш, терак ўстириш ҳамда шартнома асосида корхоналарга хизмат кўрсатиш кенг йўлга қўйилди. Шу сабабли тумандаги кўпгина умумтаълим мактаблари айни пайтда ўз маблағларига, баъзилари ҳатто ўз ҳисоб-рақамларига ҳам эга. Хусусан 8, 19, 22, 34, 36, 40-ўрта мактаб жамоалари мактаболди участкаларида боғ барпо этиб, бундан яхшигина даромад қилмоқдалар. Й. Охунбобоев номли 14-мактаб жамоаси ишлатилмай ётган майдонлардан 4 гектар ерни ўзлаштириб, 800 туп сара навли олма кўчати ўтқазишди. Экинлар орасига эса ўқитувчилар учун ғалла экиб берилмоқда. Тадбиркор жамоа шу йўл билан катта даромад олмоқда. Бундан 5-6 йил муқаддам барча мактабларда 4-5 сотихдан теракзор ташкил этилган эди. Айни пайтда эса улардан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиляпти. Яқин келажакда мактаблар ихтиёридаги теракзорларни 5-6 гектарга, боғларни 20-25 гектарга етказишни режалаштирганмиз. Бунинг учун барча шароитлар етарли. Яна 5-6 йилдан сўнг мактабларимизда ҳар йили қарийб 100 куб метрдан ортиқ ёғоч ва юзлаб тонна мева тайёрлаш имконига эга бўламиз.

Тушаётган маблағлар мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга, аъло баҳоларга ўқиётган ва иқтисодий ночор оилаларнинг фарзандларига моддий ёрдам сифатида ҳамда таълим ва тарбия беришда юксак самарадорликка эришаётган ўқитувчиларни рағбатлантиришга сарфланаяпти.

Маълумки, сўнгги йилларда миллий ҳунармандчиликка эътибор кучайди. Ўқувчиларнинг мактаб қучоғидаёқ бирор касбнинг этагини тутиши келгусида республикамизнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришга кўмак бўлади. Шуни ҳисобга олиб И. Куйлиев номли 8, М. Нормуродов номли 2-мактабларда халқ ҳунармандчилик цехларини очганмиз. Ўқувчилар пичоқчилик, темирчилик, ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганибгина қолмай, ишлаб чиқаришда ҳам иштирок этадилар. Ш. Рашидов номли 1-ўрта мактаб жамоаси эса «Назира» тикувчилик фирмаси билан шартнома асосида ёшларга палос тўқишни ўргатиб келаяпти.

Туман марказида иқтидорли ўқувчилар мактаб-интернати фаолият кўрсата бошлаганлигига ҳали кўп вақт бўлмасада, анчагина салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Мазкур илм масканида физика-математика, химия-биология, журналистика ихтисосликлари бўйича ёшларга мукаммал билим берилади. Келгусида бундай мактаблар сонини 3 тага етказиш, ихтисослашган синфлар сонини ўстириш режаларимиз бор.

Ўқувчиларга чет тилини ўргатиш бугунги кунда ўта муҳим. Туманда чет тили дарсларининг самарадорлигини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ҳатто, хорижий тилларни болалар боғчаларидаёқ ўргатишга киришилмоқда.

Албатта, таълим самарадорлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасиз қолаётгани йўқ. Буни ўтган ўқув йили натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Республика Президенти ташаббуси билан илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида жорий этилган тест синовларидан муваффақиятли ўтган 100 нафардан зиёд битирувчиларимиз олий ўқув юрти талабалари бўлишди. Тест маркази маълумотномаларига кўра туманимиз 1993 йилда Жиззах вилояти туманлари ўртасида ўқувчилар билимининг рейтинг натижаларига кўра ўртача ўринни эгаллаган бўлса, 1994 йил қабул натижаларига кўра 1 ўринни эгаллади.

Тарбиявий ишлар самарадорлигини ва таъсирчанлигини оширмай туриб, ёшларга пухта билим бериб бўлмаслиги оддий ҳақиқат. Асрлардан буён орзу қилиб эришганимиз истиқлолнинг муносиб фарзандларини тарбиялаб етиштириш тарбиявий ишларнинг шакл ва мазмунини кўп жиҳатдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Бугунги кун ўқувчиси қалбида ватан туйғусини муқаддас тутган, имонли-эътиқодли, тарихимиз, миллий қадриятларимизни улуғловчи, истиқлол ғалабаларига садоқатли ёшлар бўлмоғи керак. «Одобнома» дарсларининг миллий қадриятларимиз асосига қурилганлиги, Баҳовиддин Нақшбанд, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Алишер Навоий, Бобур, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий сингари уламо ва ижодкорларимиз ҳаёти янгича талқинларда ўрганилаётганлиги ўқувчилар қалбида акс-садо бермасдан қолмаётир.

Хуллас, Бахмал туманида ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасида талай ишлар қилинди, деб айта оламиз. Лекин бу ишлар билан қаноатланиб бўлмайди. Чунки бугунги кун биз педагоглар олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Юксак билимли, ватанга садоқатли ижодкор инсонни тарбиялаб етиштириш эса бизнинг ҳам педагоглик, ҳам асосий бурчимиздир.

**Саидаҳмад МИРЗАБЕКОВ,**
**Бахмал тумани халқ таълими бўлими мудири, халқ таълими аълочиси.**

# АЖРАБ ЧИҚҚАНДИ...

Қувасой ғишт заводи илгари шиша идишлар ишлаб чиқариш корхонаси билан биргаликда эди. Эндиликда ғишт заводи ажралиб чиқиб, мустақил иш олиб бормоқда. Завод учун 10 мингта хом ғишт терадиган альюмин ускуналар олиб келинди. Бу ерда ҳозир кунига 200 мингдан ортиқ ғишт тайёрланмоқда.

— Хомашё танқислигига қарамасдан, — дейди цех бошлиғи С. Абдураҳмонов, — заводимизда ишлар тўхтаб қолгани йўқ. Биз ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб, маҳсулот айирбошлашни йўлга қўйганмиз. Ғишт учун тупроқни Қирғизистондан олмоқдамиз.

Қувасой ғишт заводи ўз тармоқларини тобора кенгайтириб, аҳолига турли хил ғишт маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида эндиликда пардоз ғиштлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.

**Г. САОДАТОВА.**

• *Президент фармонлари — амалда*

# МАҚСАД АНИҚ БЎЛГАЧ...

***ҚИЗИЛТЕПА — Навоий вилоятининг энг бақувват туманларидан бири. Асосий даромад манбаи пахтачилик бўлса-да, кейинги йилларда туман бюджети қўшимча соҳалар ҳисобига ҳам анча бойиб бормоқда.***

Узоқ йиллик пахта монокультураси Қизилтепа ерларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Лекин шундай шароитда ҳам деҳқонлар астойдил меҳнат қилишиб, зиммаларидаги вазифани ортиғи билан бажариб келдилар. Бу муваффақиятларни асосан давр талабини тўғри англаб иш юритиш билан боғлаш ўринли бўлур эди.

Айни кунларда туманда ислоҳотлар ҳам кенг кўламда давом этмоқда.

Дастлаб туманнинг барча хўжаликларида мулк шакли ўзгартирилиб, жамоа хўжаликлари, ширкатлар уюшмаларига, 13 та қорамолчилик фермаси ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган бўлса, айни кунларда «Зармитан» ва «Ўртачўл юлдузи» жамоа хўжаликларини фермерлик уюшмаларига айлантириш учун ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Туманда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор хайрли ишлар амалга ошириляпти. Бугунги кунда 10та ғишт цехи, 12 та тегирмон, 2 та консерва заводи, 7 та техника устахонаси ишлаб турибди. «Зармитан» жамоа хўжалиги Швейцария технологияси асосида бир суткада 5 тонна сутни қайта ишловчи завод, «Тавоис» давлат хўжалигида эса ун заводи қурилмоқда. «Тошрабод» жамоа хўжалигида оҳак ишлаб чиқариш цехи, «Қуйимозор» жамоа хўжалигида атлас тўқиш цехи, «Тавоис» ва «Деҳқонобод» хўжаликларида кулолчилик цехлари фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга, туман иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. 1994 йилда туманда 669 киши кичик ва хусусий тадбиркорлик билан банд бўлган бўлса, бугун улар 2 мингдан ошиб кетди. Юқорида таъкидлаганимиздек, туманда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. «Тадбиркор банк»нинг туман бўлимида бугунгача 271 мижозга ҳисоб рақами очилган. Ўтган йили банк томонидан 102 кишига 23 миллион 924 минг сўм кредит берилди. Шундан 5 миллион 597 минг сўмни имтиёзли кредит ташкил этади. Бу маблағнинг борйўғи 685 минг сўми марказлашган имтиёзли кредит ҳисобидан, қолган 4 миллион 912 минг сўми туман ресурслари ҳисобидан кўтарилган.

Булар бесамара кетаёттани йўқ, албатта. Ўтган йили кичик ва хусусий тадбиркорлик тармоғи аҳолига 80 хилда хизмат кўрсатган бўлса, бу йил қарийб 300 хилга етди.

Туманда эришилаётган ижобий ўзгаришларнинг асл сабабларидан бири ишни тўғри йўлга қўйиш, бугунги кун талабини ўз вақтида илғаб, уни тўғри ҳал этишдан иборат.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Шаҳрихонда фаолият кўрсатаётган «Самовий нур Л.Т.Д.» кўп тармоқли фирмасига қарашли савдо дўконлари, суратхона ва тўкув цехлари хизматидан шаҳар аҳли мамнун бўлмоқда.

СУРАТДА: «Самовий нур Л.Т.Д.» фирмасига қарашли тўқув цехи чевари Гулнора Куртаметова.

«Халқ сўзи» мухбири Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

## ЖИЗЗАХДА ТЕННИС КОРТЛАРИ БЎЛАДИ

*Республикамиз Президенти кубоги учун ўтказилган халқаро теннис мусобақаси ва унинг профессионал теннис турнирлари жадвалига киритилиши мамлакатимиз спорти тарихида катта воқеа бўлди. Шундан сўнг барча вилоятларда спортнинг бу турига эътибор ортиб, оммалашиб кетди. Пойтахтимиздан ташқари республикамизнинг бир қатор йирик шаҳарларида жаҳон талабларига мос теннис кортлари бунёд этилди.*

*Шуниси қувончлики, Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номли вилоят театрига бақамти жойда ҳам ана шундай йирик спорт иншооти жадал суръатлар билан қуриляпти. Қурилиш бошлаганига ҳали икки ой ҳам бўлгани йўқ, лекин, катта кўламдаги ишлар бажарилди.*

*Теннис ўйингоҳини қуриб битказиш вилоятда илғор ҳисобланган 52-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамлама жамоасига топширилди.*

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## КЎНГИЛЛАРГА СОЛСИН ЧЎҒ



### СОЧЛАРИНГНИ МАЙДА ЎРГИН

*Сочларингни майда ўргин,*
*Майдалансин юрагим.*
*Майдаланган юрагим, бил,*
*Сен-ла бутун, малагим.*

*Сочларингни майда ўргин,*
*Ҳар ўрими дор бўлсин.*
*Муҳаббатни пуллаганлар*
*Муҳаббатга зор бўлсин.*

*Сочларингни майда ўргин,*
*Кўнгилларга солсин чўғ.*
*Ишқда асли подшоҳ бўлмас,*
*Ишқда асли қул ҳам йўқ.*

*Сочларингни майда ўргин,*
*Майдалансин армоним.*
*Ахир сенинг сочларинг деб*
*Яшаяпман-ку, жоним.*

*Сочларингни майда ўргин,*
*Ҳар ўрими севгидир.*
*Силаётган шамолмас, у —*
*Фармонингнинг илгидир.*

### ЁМҒИРГА ЎХШАЙСИЗ

*Ёмғирга ўхшайсиз, бу дам, азизам,*
*Кўнгилнинг қатидан ёғасиз сим-сим.*
*Туйғулар эргашиб келар сиз билан,*
*Севгига қоришиб кетади дилим.*

*Забонсиз ва рангсиз ёмғирдек, аммо*
*Турфаранг ва унсиз шеърлар айтасиз.*
*Гўзал изтироблар оғушида мен —*
*Сиз-чи, ҳамон унсиз, жўшиб айтасиз.*

*Севгининг сеҳрли сийрати янглиғ*
*Қалбимга урилар томчилар, эвоҳ!*
*Муҳаббат азоби қийнагани дам*
*Сизнинг томчингиздан тополдим паноҳ.*

*Бу паноҳ бағрида азоблар мўлдир,*
*Бироқ яшагайман уларни енгиб.*
*Сиз эса қалбимга тўкиб ҳисларни*
*Ёмғирлар бағрига кетасиз сингиб.*

### ШАБНАМ ЭТАЙ

*Кел санам, ишқ суҳбатига бир нафас ҳамдам этай,*
*Васлингга ошно бўлиб дилни тарки ғам этай.*

*Ўқ мисол киприкларинг-ку, дилни пора айлаган,*
*Майли боқ, жоду кўзингни дардима малҳам этай.*

*Майса ҳам тонг чоғида соғинчини ашк қилгуси,*
*Ҳар сафар кўз ёшларимни сен учун шабнам этай.*

*Гул бўлиб ошиқларингга анбар афшон айлагин,*
*Заъфарон япроқ каби титраб бошимни хам этай.*

*Сен фақат наззора қил, эрк бериб дил майлиға,*
*Мен эса васфинг битиб, туйғуларимни жам этай.*

Фармон ТОШЕВ.

## РЕСПУБЛИКАДА ТЎРТИНЧИ

***Самарқанд яқинидаги Кимёгарлар қўрғони шаҳардан унча олисда жойлашмаган бўлса-да, аммо у ерга қўнғироқ қилиш анча мушкул эди.***

Яқинда унинг аҳолиси қурувчилардан ажойиб совға олишди. Қўрғонда икки минг номерга эга янги автомат телефон станцияси ишга туширилди.

— Бу АТСнинг афзаллиги шундаки, — дейди Самарқанд электр алоқалари бирлашмаси бошлиғи Ҳ. Ҳакимов, — унга тегишли телефон орқали энди одамлар тўғридан-тўғри бошқа шаҳарлар билан қўшувчи линияларга чиқишлари мумкин. Бундай станциялар республикамизда ҳозирча бор-йўғи тўртта. Станция лойиҳа қувватига етиб ишлай бошлагач ундаги рақамлар сонини ўн мингтага етказиш мумкин.

**М. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Экология ва ҳаёт*

***XXI асрда асосий экологик муаммолардан бири ҳар бир томчи тоза сувни қадрлаш ва авайлаб ишлатиш масаласи бўлиб қолади. Чунки тоза сув инсон ҳаёти учун қанчалик муҳим бўлса, ишлаб чиқариш учун ҳам шунчалик зарур. Негаки, саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқаришни сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди.***

## СУВ ҚАДРИ



**Унча катта бўлмаган шаҳарларда махсус биологик ҳовузлардан фойдаланиш, тозалаш иншоотлари қуриш учун кетадиган капитал маблағларни анча тежаб қолиш имконини беради.**

Сув хўжалиги муаммосини тўғри ҳал қилиш ва аҳолини етарли миқдорда ичимлик сув билан таъминлаб туриш учун сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, уларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш керак. Бунинг учун эса оқар сувларга ҳар хил чиқиндиларни ташламаслик, ариқ ва каналларга оқава сувларни оқизмаслик чораларини кўриш лозим.

Сўнгги йилларда экология масаласи жаҳон жамоатчилигининг, давлат арбоблари ва турли соҳада иш олиб бораётган жуда кўп олимларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бу табиий, албатта. Чунки, фан-техника тараққиёти туфайли кишиларнинг табиатга бўлган таъсир доираси кенгайди. Табиатни ўзлаштириш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, янги-янги кашфиётлар яратиш имкони туғилди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология институтида олиб борилаётган илмий ишлар диққатга сазовордир.

Институтнинг сув ва маъданлар микробиологияси лабораториясининг бир гуруҳ илмий ходимлари республикамизнинг турли вилоятларида ҳар хил сув ҳавзаларининг ифлосланиш манбаларини аниқладилар. Текширишлар шуни кўрсатдики, республикамиз сув ҳавзалари турли-туман оқава сувлар, саноат ва маиший хизмат ҳамда бошқа хил ишлаб чиқариш чиқитлари билан булғаниши йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан баъзан кўп миқдорда ошиб кетмоқда. Бунга бир қанча корхоналар, жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш, Навоий электрохимия, Тошкент канопни қайта ишлаш заводлари ва Чирчиқ «Электрохимия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ҳоказолар сабабчи бўлмоқда.

Шу хил корхоналарнинг ташландиқ сувлари ўрганилиши асосида лаборатория ходимлари томонидан ишлаб чиқариш тохнологиясини такомиллаштириш ва рационализация қилиш билан бир қаторда саноат оқава сувларини тозалаш ҳамда зарарсизлантиришнинг алоҳида усулларини ахтариб топиб амалиётга жорий этиш юзасидан эътиборга лойиқ ишлар қилинди. Кейинги вақтда таркибида органик моддалари кўп чиқинди сувлар биологик усулда тозаланмоқда. Айниқса, унча катта бўлмаган шаҳарларда бундай махсус биологик ҳовузлардан фойдаланиш, тозалаш иншоотлари қуриш учун кетадиган капитал маблағларни анча тежаб қолиш имконини беради. Оқава сувлар тўпланган махсус ҳовузларда сув ўтлари — хлорелла ва шунга ўхшаш ҳар хил турга мансуб бўлган микроорганизмлар кўпайтириш йўли билан органик ифлосланишнинг олдини олиш мумкин. Бунга Тошкент вилоятидаги канопни қайта ишлаш заводларидан чиқадиган оқава сувларни биологик ҳовузларда тозалаш мисол бўла олади. Яна битта мисол «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тозалаш иншоотлари қурилмаси бир кечаю кундузда 100000 метр куб саноат ва маиший хизмат оқава сувини қабул қилади, бу сув таркибида асосан азот бирикмалари кўп бўлиб қолган, бир қисмида эса энг заҳарли циан моддаси сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам тозалаш иншоотларида тозаланган сувларни қайта тозаламасдан туриб қишлоқ хўжалик мақсадларида тўғридан-тўғри ишлатиб бўлмайди. Бундай сув таркибида инсон саломатлигига салбий таъсир этадиган ҳар хил кимёвий модда ва микроблар бўлиши мумкин. Сув тозалигини хўжаликдан чиқадиган ифлос оқавалар ҳам бузади. Уларнинг канализация орқали тоза сув ҳавзаларига қўшилиши саноат чиқиндиси билан ифлосланишига нисбатан кам. Шунга қарамай, бу ҳам турли хил касалликлар тарқатиши, табиий.

Бизнинг тавсиялар асосида тозаланган сувлар таркибида кўп миқдорда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур кимёвий моддалар мавжуд. Шунинг учун ҳам бу хил сувларни биологик усулда тозалаб экинзорларни суғоришда бемалол фойдаланса бўлади. Бу усул сув танқислиги яққол сезиладиган туманларда, айниқса, қўл келади.

Ифлос сувларни биологик ҳовузларда тозалашга республикамизда шароит бор. Бу иш кўп жиҳатдан ҳаво ҳароратига, куннинг очиқлиги ва қуёш нурининг мўллигига боғлиқ. Тозаланиш жараёнида эса сув кислород билан бойиб, таркибидаги ҳамма органик моддалар минераллашади. Шу зайл экиннинг сувга бўлган талабини қондириш билан бирга минерал озуқага бўлган эҳтиёжи ҳам тўла таъминланади. Ёзёвон чўлида олиб борилган тажрибалар вақтида қумлоқ тупроқда оқава сувлардан фойдаланиш натижасида гектаридан 45 центнердан пахта («Тошкент-3» нави), 190 центнердан қуруқ каноп пояси, 700 центнердан маккажўхори кўкпояси йиғиштириб олинди.

Шуларга асосланиб, комил ишонч билан айтамизки, оқава сувларни тозалаб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланишни яхши йўлга қўйиш лозим. Бу билан теварак-атроф муҳофазаси ҳам яхши таъминланган бўлади.

**Ж. ҚУТЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институтининг лаборатория мудири, биология фанлари доктори.**

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА!

"ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ"

акционерлик савдо-ишлаб чиқариш бирлашмасида "ИНТЕРНЕШНЛ БИЗНЕС КРИТОС " (АҚШ) ва "ХИЛЛФОРД ИНДАСТРИС ЛИМИТЕД" (Гонконг) машҳур фирмаларининг янги модадаги, енгил, хушбичим ва қулай пойабзаллари харидорларга тавсия этилмоқда.

Турли андоза ва бичимдаги бу катта-кичик чиройли туфлилар ҳаммага - энг дидли қизлару катта ёшдаги аёлларга ҳам манзур бўлади.

Туфлиларнинг ранглари хилма-хил - қора, қизил, сарғиш, оқ, кўркам безакли, ўрта ва паст пошнали - ёққанини танлайсиз.

"ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ" АКЦИОНЕРЛИК САВДО-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТЛИКЛАРНИ ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИНИ АЁЛЛАРНИНГ МОДАЛИ ПОЙАБЗАЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СП "Совпластитал" ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Тошкентдаги омборидан Сизларга қаттиқ босимли полиэтиленни турли қуйма маркали полистирол ва полипропиленга (кўпиклаштирилгандан ташқари) алмаштиришни таклиф этади.

Маълумот учун телефонлар: (3712) 76-75-09, 76-23-31.

Факс: (3712) 76-83-10.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700185, Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги, 29а.

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

1. Идора товарлари.
2. Телефон аппаратлари.
3. 386, 486 DX компьютерлари.
4. "Citizen" калькуляторлари ва бизнес-папкалар.
5. Совутгичлар.
6. "Canon" 1215, 300, 320, 330 ксерокслари.
7. "Canon" E-16, A-15 катриджлар.
8. "Panasonic" 130, 500, 700 телефакслари.
9. Умумий фойдаланишдаги 1 ГР-4-5 симлар.
10. Ж/Б ВР 1 4-5 симлар.
11. Пахтадан тўқийдиган ТУ 14-4-666-75 симлар.
12. Пахта учун бандаж.
13. 20x20, 45x45, 65x65 тўр-рабица.
14. 25x25, 32x32, 36x36, 45x45, 50x50 уголоклар.
15. Михлар.
16. ЛБ-40 ва стартерлар.

Телефонлар: (3712) 72-98-17, 79-47-74.

НАРХИ 13 ФОИЗДАН 38 ФОИЗГАЧА АРЗОНЛАШАДИ

Kamalak - TV эфир-кабель телевидениеси

8 та энг яхши ТВ каналлари — доимо Сизнинг уйингизда

1.Pr. Sport - спорт. 2."Останкино" ТВ. 3.ТВ-6 Москва.
4.Россия ТВ. 5. [V]-мусиқали. 6.BBC - янгиликлар.
7.Star Plus - кўнгилочар. 8.Cine Plus - фильмлар.

Кичик дастур — 1, 2, 3, 4, 5.

Катта дастур — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8.

Ҳақ тўлаш — хоҳишига қараб, шунингдек VISA кредит карточкаси билан.

Бизнинг манзиллар: "Главпочтамт" ва "Янги телеминора".

Тел.: 35-22-32, 44-20-28, 44-29-90, факс: 34-01-11.

TIMS` 95

1995 йил 10-13 июнда " 1-халқаро Тошкент автосалони - 95" кўргазмасига таклиф этамиз

Кўргазмага жаҳон етакчи фирмаларининг енгил ва юк автомобиллари ҳамда автобусларининг янги моделлари ва уларнинг иккинчи даражали қисмлари қўйилган.

Кўргазманинг иш вақтлари:

1995 йил 10 июнь - 14.00 - 18.00 — 1995 йил 12 июнь - 10.00 - 18.00
1995 йил 11 июнь - 10.00 - 18.00 — 1995 йил 13 июнь - 10.00 - 18.00

Бизнинг манзил: "Динамо" теннис клуби Тошкент ш., Абдуллаев кўчаси (собиқ Горький кўчаси).

Транспортлар: метронинг М. Горький бекатидан трамвайлар - 22, 13, 6, тролллейбуслар - 18, 9.

Сизни кўргазмамизда кутиб олишдан ғоят мамнун бўламиз!

КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фирма корхоналарни, жамоа хўжаликларини, қўшма ва шахсий фирмаларнинг ваколатхоналарини Тошкент шаҳрида жойлаштиришга ёрдам беради.

**Ваколатхона:** 1 хона 1 ўринли, 1 хона 2 ўринли, 2 хона 2 ўринли ҳамда шаҳар марказидан турар жой билан таъминланади. Хоналарда санузел, телефон, телевизор ва бошқа қулайликлар яратилган. Хоналар 6 ой ва ундан ошиқ муддатларга шартнома асосида пул ўтказиш орқали берилади.

**Фирма:** ваколатхонада иш юритувчи секретарь-референт, енгил автомобиль, телефакс ва компьютерлар билан сизни эҳтиёжингизга яраша таъминлаши мумкин. Ваколатхонангизда яхши дам олишингиз, ишлашингиз, ўзинингизга тегишли меҳмонларингизни кутиб олишингиз учун шароитлар яратилган.

Телефон: (8-3712) 42-69-18, 42-81-30.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жамоаси Олий Суд судьяси Қ. Тоғаевга падари бузруквори **Мирза бобо АШИРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг Республика радиоси жамоаси диктор Н. Эгамбердиевга отаси **Ёрлақабберган ЭГАМБЕРДИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




# — ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

*«Тафаккур» журналининг бу йилги биринчи сони босмадан чиқди. У хушбичим муқовада, рангли бўёқларда чоп этилган. Журналнинг мазмун-мундарижаси ғоят сермазмун. Унда истиқлол йиллари Ватанимиз тарихида рўй берган буюк ўзгаришлар таҳлили, миллий ва умуминсоний қадриятларга оид муаммолар талқини, инсоний камолот шартлари муҳим ўрин тутади. Чунончи, файласуф Ҳамро Эрматовнинг «Идрокнинг қанотлари», тарихшунос Сойимназар Каримовнинг «Салтанат — қонун билан сарбаланд», шоир Хуршид Давроннинг «Амир Темур пирлари» каби мақолаларда ана шу масалалар теран ёритилган.*

*Журнал саҳифалари турфа хил расмлар билан безатилган. Қуйида журналда босилган айрим материаллар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

• *Саодат соҳили*

## КОМИЛЛИК НИЗОМИ

### Адабиётшунос Азиз Қаюмов билан мулоқот

**— Домла, биламиз, одамзод дунёга келибдики, мудом мукаммал тимсол ахтаради, комилликка интилиб, руҳий нажот йўлини қидиради. Шу орзу-интилиш самараси ўлароқ, у маънавият ва тафаккур бобида беқиёс кашфиётлар қилди. Аммо, адашмасам, то ҳануз комилликнинг аниқ чегараси, тугал мезони йўқ. Ё инсоният бошдан кечирган тарихий тажрибалар ҳали етарли эмасми? Ёхуд одам боласи ўтмиш қадриятларни тўлиқ англаб, зарур хулосалар чиқариш даражасига етмадими? Бу хусусда Сиз нима дейсиз?**

— Инсон комилликка интилар экан, зинҳор бу интилишнинг охирига ета олмайди. Шу боис, мен комилман, камолотга эришдим, деган одам хато қилади. Инсон фаолият қилар экан, шубҳасиз, нуқсон ва камчиликлар ҳам содир этади. Аммо шу нуқсону камчиликларни тушуниб, тузатиб, уларни такрорламасликка ҳаракат қиладиган киши комилдир. Бу ҳақда Алишер Навоий ҳазратлари бундай деганлар:

***Ноқис[1] улдирким, ўзин комил дегай,***
***Комил улким, нуқсин исбот айлагай.***

Инсон камолотига чек-чегара йўқ. Муттасил камолот сари интилмоқ — тараққиёт боисидир. Бу интилиш айрим қонуниятларга эгаки, шулар тўғрисида сўзласак, масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам очила боради.

Киши умрини баланд ҳиммат билан бойитмоғи шарт. Юксак мақсадлар сари интилмоқ, инсониятга наф етказиб яшашни ҳаётнинг мазмуни деб билмоқ — ҳиммати баландликдан нишонадир. Алишер Навоий бу хусусда бундай деган:

***Бировким, анга ҳиммат ўлди баланд,***
***Эрур олам аҳли аро аржуманд[2]...***
***Ани, анга муфлиски[3] йўқ ҳиммати,***
***Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.***

**— Ўтмиш маънавий меросимиз комил инсон ғояси билан чароғон. Чунончи, ҳазрат Алишер Навоий достонларининг ҳар бири — комилликнинг ўзига хос низоми. Буюк бобомиз орзу этган инсон қандай инсон эди? Умуман, Алишер Навоийнинг шеърий-фалсафий тафаккурида инсон моҳияти қандай талқин топади?**

— Дарҳақиқат, Навоий асарлари — инсоний камолот низомидир. Уларнинг ҳар бир саҳифаси, мисраси ва хулосасида ана шу низом зўр куч билан ташвиқ этила боради. Чунончи, буюк шоирнинг «Арбаъин» асарида қуйидаги ҳикмат, айниқса, муҳимдир:

***Эл аро яхшироқ, дединг, кимдур,***
***Эшитиб шубҳа айла раф андин.***
***Яхшироқ бил ани улус ароким,***
***Етса кўпроқ улусга наф андин.***

Яъни, эл орасидаги энг яхши одам — улусга, халққа кўп фойда етказган кишидир. Халқпарварликнинг бундан кўра таъсирчанроқ ташвиқини топмоқ қийин.

Менимча, Навоийнинг идеал қаҳрамони — Фарҳоддир. Бу қаҳрамоннинг феъл-атворида, юриш-туришида, фаолиятида мукаммал инсонга хос фазилатларнинг барчаси жамулжам. У илму ҳунарни беҳад муҳаббат билан ўрганади. Меҳнатсеварлик, инсоф, ҳалоллик, камтаринлик, ҳиммат ва мурувватпешалик, фидокорлик, покиза тийнатлик, ота-онага ҳурмат, тахту тож, давлат ва бойликка бефарқ қараш — хуллас, баркамол одамга хос нимаики сифат бўлса, ҳаммаси Фарҳодда бор. Шунинг учун эл, халойиқ Фарҳодни ғоят севади, туну кун уни дуо қилади. Шоирнинг ўзи эса унинг олий фазилатларини мана бундай таъриф этади:

***Демонким, кўнгли пок ҳам кўзи пок,***
***Тили поку сўзи поку ўзи пок.***
***Анингдек тийнати покига лойиқ,***
***Дуосин айлабон поки халойиқ.***

Фарҳод муҳаббат боис ана шундай фазилатлар соҳибига айланади. Зотан муҳаббатли қалб ёмонликка мойил бўлмайди. Унинг қудратидан ёвузлик томири қурийди, эзгулик гуллари яшнайди. Инсоний камолот белгиси — муҳаббатдир. Мумтоз шоирамиз Нодира бу фикрни таъкидлаб, бундай деб ёзган:

***Муҳаббатсиз киши одам эмасдир,***
***Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт.***

**— Комиллик нисбатида бугунги инсонлар буюк аждодларидан нимаси билан фарқ қилади?**

— Инсоний камолот мезони зинҳор ўзгармайди. Унинг асосий қоидалари абадийдир. Улар — инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тўғрилик, муҳаббат ва садоқат, каттага ҳурмат ва кичикка шафқат, ота-онани эъзозламоқ, билимга интилмоқ, озодалик, шукрона, табиатни асрамоқ ва шунга ўхшаш эзгу сифатлардир. Шунинг учун бу масалада авлодларни аждодларга қиёсламоқ, эҳтимол, тўғри бўлмас. Аммо, ҳар бир авлод аждодлар яратган маънавий бойликларни муттасил ўзлаштирмоғи ва шулар асосида замонига мос маънавий ҳаётини яратмоғи лозим. Яқин ўтмишимизга ҳам шу тахлит ёндашмоқ керак.

**— Биз — буюк давлат яратиш орзуси билан яшаётган халқмиз. Келгусида буюк давлатимиз шаъну шавкатини дунёга кўз-кўз этадиган юртдошларимизнинг баркамол қиёфасини Сиз қандай тасаввур этасиз?**

— Буюк давлатни мавҳум кўллар яратмайди. Уни конкрет шахслар бино этади. Шу боис, ҳар бир одамга алоҳида эътибор бериб, унинг шахсий қобилиятини ўстиришга ёрдамлашмоқ зарур. Ҳаёт тажрибасидан бир-икки мисол келтирай. Кўп йиллар республикамиз раҳбари бўлиб ишлаган марҳум Усмон ота Юсупов истеъдодли ижодкорларни оташин бир муҳаббат билан севар ва қадрлар эдилар. Бир гал сафарда бўлганларида оддий колхозчи йигитнинг қўшиғини эшитиб, унинг истеъдодига маҳлиё бўлганлар. Кейинроқ уни Тошкентга чақиртириб, Янгийўл шаҳри театрига ишга жойлаганлар. Яна бош-қош бўлиб, йигитни Москва консерваториясига ўқишга ҳам жўнатганлар. Шундай ғамхўрлик шарофатидан ўша йигит моҳир хонанда, ўзбек опера санъати арбоби бўлиб етишди. Эндиликда уни халқимиз яхши танийди. У — Ўзбекистон халқ артисти Саттор Ярашевдир.

Усмон ота марғилонлик бир ҳаваскор қўшиқчи қизга ҳам беҳад ғамхўрлик қилган. Унинг қўшиғини эшитиб, беқиёс истеъдодини пайқаган ва Тошкентга, Муқимий театрига ишга олиб келиб, устоз Тўхтасин Жалилов тарбиясига топширган. Кейин бу қиз Москва консерваториясига ўқишга юборилди. Жарангдор овози билан элу юрт муҳаббатини қозонган бу санъаткор — халқ артисти Саодатхон Қобуловадир. Усмон ота Юсуповнинг адабиёт ва санъат аҳлига кўрсатган меҳрибонлиги, ибратли ишлари тўғрисида жуда кўп сўзлаш мумкин.

Ҳар бир халқнинг шаъну шарафи, аввало, тарихда унинг дунё илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси туфайли орта боради. Не-не подшо ва ҳукмдорлар ўтмади. Лекин, илму маданиятга ҳомийлик қилган ҳукмдорларнинг номи яхшилик билан эсланади. Масалан, Султон Маҳмуд Ғазнавий билан Беруний унча дўстона муносабатда бўлмаган. Аммо, шоҳ буюк алломани ҳаргиз ёнидан жилдирмаган. Шу боис, бугун Берунийни тилга олар эканмиз, беихтиёр Султон Маҳмуд Ғазнавийни ҳам ёд этамиз.

Султон Ҳусайн Бойқаро билан Навоий жуда қалин дўст эдилар. Шунинг учун Навоийни эъзозлар эканмиз, шубҳасиз, Ҳусайн Бойқаронинг номини ҳам ҳурмат билан қайд этамиз.

Мен буюк келажагимиз фан, адабиёт ва санъатимизнинг гуркираб ўсишига боғлиқ деб биламан. Зиёлиларимиз яратган асарлар олам аҳлининг кўнглини мафтун этиши, одамларнинг руҳий дунёсини бойитиши,уларнинг ҳаётини гўзаллик ва юксак ғоялардан баҳраманд қилиши, турмушини фаровон ва бахтиёр этмоғи — буюк келажагимиз белгиси бўлади деб ўйлайман. Юртдошларимиз, шубҳасиз, ана шундай маънавий бойликларни яратувчилар бўлади, деб ишонаман.

**— Истиқлол яратиб берган ижтимоий шароитни фақат фойда орттириш ва бойиш имконияти деб тушунаётган, халқ ва Ватан тақдирига лоқайд ёшлар ҳам, таассуфки, йўқ эмас. Улар баъзиларда худбинлик тамойилининг кучайишига сабаб бўлаётир. Бу нохуш жараённи қандай бартараф этиш мумкин деб ўйлайсиз?**

— Ўзбекистон истиқлоли юз қайта шукрона қиламизки, қонли курашлар, жангу жадалларсиз, хонавайронлик келтирувчи урушларсиз, тинч йўл билан қўлга киритилди. Бу, аввало, юртбошимиз, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти муҳтарам Ислом Каримовнинг оқилона ва мардона сиёсати самарасидир. Жамиятимиздаги ислоҳотларнинг тинч ва изчил бораётгани ҳам Президент юритаётган сиёсат одилона ва оқилона эканига бир далил.

Бугун ўлкамизда янги ҳаёт асослари шаклланмоқда. Бир гуруҳ кишилар фойда, пул ва мол кетидан қувиб, анча давлатманд бўлиб қолди. Жамият ҳаётида маълум тоифа — бойликка ҳирс қўйганлар пайдо бўлмоқда. Мен асло камбағаллик тарафдори эмасман, аммо киши бойлик билан камолотга эришади, деган фикрдан узоқман. Саъдий Шерозийнинг бир байти бор:

***«Бани одам аз илм ёбад камол,***
***Но аз ҳашмату жоҳу молу минол».***

Яъни: одам боласи дабдаба, шуҳрат, мартаба, молу мулк туфайли эмас, илм орқали камол топади.

Шунинг учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўртача тирикчилигини таъминлаш учун етарли даромадга эга бўлса кифоя. Ундан ортиғини эса элу юрт, халқ, жамият эҳтиёжини қопламоққа бағишламоқ керак. Абу Райҳон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби устозларимиз шу йўлни тутганлар. Хусусан, Абдураҳмон Жомий, яхши яшамоқ учун инсонга нима керак, деган саволга жавоб бериб, бундай деб ёзган эди:

***Ба панж мерасад асбоби зиндагонийи хуш,***
***Ба иттифоқи ҳакимони шуҳраи офоқ:***
***Фароғи иймонийю иҳҳату каффофи маош,***
***Рафиқи хубсияру ҳамдам неку ахлоқ.***

Яъни: шуҳрати жаҳонни тутган ҳакимлар якдил бўлиб айтдиларки, бахтиёр турмушнинг шарти бештадир: тинчлик ва хотиржамликнинг фароғати, сиҳату саломатлик, етарли иш ҳақи, хуш табиатли дўст, яхши тарбия кўрган умр йўлдоши.

Истиқлол яратган ижтимоий шароитни фойда орттириш ва бойиш имконияти деб тушунаётган кишилар устозларнинг шу гапларига қулоқ оссалар ёмон бўлмас эди. Кишига бахт келтирувчи омил молу мулк, бойлик эмас, элу юрт муҳаббати, одамларимизнинг ихлоси ва самимий ҳурмати, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашидан топадиган ҳузур ва ҳаловатимиздир.

**Полвон ОТАБЕК**
**суҳбатлашди.**

1 Ноқис — нуқсонли киши.
2 Аржуманд — қадрли.
3 Муфлис — ночор, қашшоқ, тубан.

• *Руҳият сабоқлари*

*Ҳазрат Абу Ҳомид Ал-Ғаззолий XI аср охири ва XII аср ибтидосида яшаган буюк мусулмон мутафаккиридир. Ул зот ҳижрий 450 (мелодий 1058) йилда Тус шаҳрида фақир, лекин донишманд тўқувчи хонадонида дунёга келган. Мелодий 1111 йилда пайғамбар ёшида вафот этган. Алломадан «Мақосидул-фалосифа», «Алмустазҳирий», «Ал-иқтисод фил-эътиқод», «Таҳофутул-фалосифа», «Эҳё улумуд-дин», «Ал-мунқиз миназ-залол», «Алмустасфо», «Илжомул-аьвом ан илмул-калом», «Кимёи саодат» сингари дин, фалсафа, фиқҳ, калом ва тасаввуфга оид юздан зиёд асар мерос қолган. «Кимёи саодат» асари форсий тилда битилган ва бошдан-охир фикр жавоҳири — ҳикматдан иборат.*

*Ғаззолий ҳикматлари — тафаккур гулшанининг пок шабнамлари, руҳоният осмонининг порлоқ юлдузларидир. Манбаларда айтилишича, ҳазратнинг тарихнависи Субҳий аллома ҳақида бундай деган: «Агарда расулуллоҳ алайҳи васалламдан кейин бирор бир пайғамбарга эҳтиёж сезилганида эди, бунга муносиб зот албатта Ғаззолий бўлур эрди».*

*Ўйлаймизки, Ғаззолий хусусида бошқа таърифга ҳожат йўқ.*

*Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ*

## МУНОЖОТ ЛАЗЗАТИ

**БИСМИЛЛОҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**

Оллоҳга само юлдузларию ёмғир томчилари янглиғ ададсиз ҳамду санолар бўлгайким, танҳолик анинг сифотидир ва улуғворлигу кибриё анинг хосияти эрур ҳамда ҳеч бир мавжудот анинг камолу жалолидин огоҳ эмасдир.

Яна пайғамбарлар сайиди ва жумла мўъминнинг раҳбару раҳнамоси Муҳаммад Мустафо салоллоҳи алайҳи вассалламга ҳамда ул зотнинг жамийки дўсту ёрларию ҳар бири уммат пешвоси ва шариат йўлининг яратувчилари бўлмиш аҳли оилаларига дурурд ила дуолар бўлғай.

Шуни билсинларки, одамзодни азбаройи ўйин яратмамишлар, анинг амали улуғдир ва анинг учун буюк хатар бордир. Агарчи у абадий эмасдир, азалийдир, жисми анинг туфроғдандир ва туфроққа қайтгусидир. Одамзод руҳининг ҳақиқати эса осмонийдир. Анинг гавҳари гарчи ибтидода ваҳший-ҳайвоний ва шайтоний сифотлар ила оғушта эрсада, алал-охир саъю мужоҳидатлар оқибатинда алардин пок бўлғай ва олий руҳониятга муяссар ўлғай...

***

Дунёнинг сеҳри — унинг зоҳиран гўзал ва орасталигидадир, бироқ унинг ботини дарду бало, меҳнату аламдирким, дунё буни кўзлардан яширгайдир. Жоҳил кишиларгина унинг зоҳирий чиройига маҳлиё бўлурлар. Дунё хунук юзини ниҳон тутган, гўзал ва нафис либосларга ўраниб олган қари, бадбуруш бир хотиндирким, ҳар ким узоқдан кўриб ошиқ бўлгай, юзидан пардани олгач эса, шармандаликларига қараб, пушаймонлар қилгай. Бундоқ нақл қилурлар: «Қиёмат куни ифлос, бадбашара дунёни Парвардигор кўзлари яшил, тишлари оғзидан чиқиб ётган шаклда намоён этганида ҳозир бўлган халойиқ сўрар экан: «Наъузу биллоҳ, бу ифлослиғ, бу расволиғ надир?» Жавоб бундоқ бўлар экан: «Сизни бир-бирингизга душман айлаган, фисқ-фасод, ҳасад-хусумат, риёю разолат қилишга, қонлар тўкиб, бераҳму бешафқат бўлишингизга сабабчи бўлган, яна сиз кўнгил берган дунё шул эрур». Ўшал он дунёни дўзахга ташлар эканлар, дунё эса «Худоё, дўстларим қани?» деб фиғон чекаркан, шунда дўстларини ҳам дўзахга ташлашга амр бўлар экан.

***

Бирор бир кимса азалда ўзи мавжуд бўлмаган дунёда ҳисоби не бўлган, ўзи мавжуд бўлмайдирган абадда ҳисоби не бўлишию азал-абад оралиғида унга берилган кунларнинг саноғи нечалигини айтиб бера олармикин? Шуни билсинларки, дунё бамисоли мусофир йўлидир; манзилнинг боши — бешикдир, охири эса — лаҳаддир ва бу оралиқдаги манзиллар ҳам ҳисобли: ҳар йил бир манзилдай, ҳар ой бир фарсаҳ янглиғ, ҳар кун бир чақирим мисол ва ҳар нафас бир одимдек ўтгусидир. У бўлса тинимсиз югургайдир. Ким учиндир бу йўлдан бир фарсаҳ қолмиш, ким учундир — камроқ, ким учундир — кўпроқ. Бул кимсага қарангким, хотиржам ўлтириб, гўё мангу шундай қоладигандай, ўн йиллик ишларнинг тадбирини тузаётир. Ҳолбуки, унинг умридан ўн кун қолмиш ё қолмамиш!

***

Бир киши бир ҳакимдан сўради: «Тошдан қаттиқроқ, осмондан чексизу заминдан оғирроқ, оловдан иссиқроғу қаҳратондан совуқроқ, дарёдан қудратлироғу етимдан хорроқ нарсалар надир?» Ҳаким жавоб берди: «Бегуноҳга бўҳтон қилмоқ — заминдан оғирроқдир, Ҳақ — осмондан чексизроқ эрур, дарёдан қудратлироқ нарса — қаноатли дарвешнинг кўнглидир, ҳасад — оловдан иссиқроқдир, қаҳратондан совуқроқ нарса — беоқибат қариндош-уруғларга муҳтож бўлмоқдир, тошдан ҳам қаттиқроқ нарса — кофирнинг дилидир ва сўзини ҳеч кимса тингламаган мунофиқ — етимдан ҳам хорроқдир».

***

Иброҳим ибн Адҳам (раҳматуллоҳи алайҳи) бир кишидан сўрадилар: «Тушингда кўрган дирҳам яхшими ёки ўнгингдаги динорми?» У бундоқ жавоб қилди: «Ўнгимдаги динор яхшироқ». «Ёлғон айтдинг, — дедилар Иброҳим ибн Адҳам, — чунки дунё асли уйқудир, охират эса — бедорликдир, сенинг дунёдаги нарсага меҳринг зиёда экан».

***

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Дунё емоқ ва ичмоқ, ҳидламоқ ва киймоқ, ўтирмоқ ва никоҳга олмоқ сингари олти нарсадан иборатдир. Егуликларнинг энг ширини — асалдир ва бу асаларининг нишидандир. Ичимликларнинг энг авлоси — сувдир, чунки аъён ҳам, авом ҳам ундан бирдек роҳатланур. Либосларнинг энг асили — ҳарирдир ва буни қурт тўқийдир. Ҳидлар аро энг яхшиси мушкдирким, оҳунинг қонидан олинур. Энг яхши ўтириш отга ўтирмоқдирким, барча эрларни шунга муяссар қилгай ва энг зўр майл аёллар майлидирким, бунинг ҳосиласи шаҳват суви эрур ва буни шаҳват суви ила қондирурлар. Аёл зотида бундан гўзалроқ нарса йўқдир ва сен аёл кишидан бундан ҳам ёмонроқ нарсани талаб қилолмайсан!»

***

Умар ибн Абдулазиз (раҳматуллоҳи алайҳи) айтадилар: «Эй одамлар, сизни бир юмуш билан яратмишлар, агар беиймон бўлсангиз кофирдирсиз ва агар иймонингиз бўлатуриб ул юмушни осон деб ўйласангиз, аҳмоқдирсизким, сизни мангулик учун яратгандирлар, фақат бир саройдан иккинчи саройга олиб кетмоқлари бор».

***

Шабъий (раҳматуллоҳи алайҳи) бундоқ ҳикоя қиладилар: «Бир сайёд бир чумчуқни тутиб олибди. Чумчуқ ундан сўрабдир: «Мени нима қилмоқчисан?» «Сўйиб ейман» деб жавоб қилибди сайёд. «Мени емоқдан наф йўқ, — дебди чумчуқ, — агар қўйиб юборсанг, сенга уч сўз ўргатурманки, анча фойдалироқдир». «Айтгил», дебди сайёд. Чумчуқ бундоқ жавоб берибди: «Бир сўзни сенинг қўлингда айтадурман, иккинчисини — қўйворган вақтингда, учинчи сўзни эса учиб тоққа қўнганимдан сўнг эшитасан». Сайёд рози бўлибди ва биринчи сўзини айтишни сўрабди. Чумчуқ бундоқ дебди: «Қўлингдан кетган нарсага асло ғам ема». Сайёд чумчуқни қўйиб юборибди, у бориб дарахтга қўнибди. «Иккинчи сўзни айтгил», дебди сайёд. «Маҳол нарсаларга ҳаргиз ишонмагил», дебди чумчуқ. Сўнгра тоғнинг устига қўниб, сайёдга бундоқ дебди: «Эй бадбахт, агар мени сўйганингда, қорнимда ҳар бири йигирма мисқол келадиган икки марварид бор эди, бойиб кетардинг, ҳаргиз фақирлик кўрмасдинг». Сайёд бармоғини тишлаб афсус-надомат чекибди ва сўрабди: «Энди учинчи сўзни айтгил» Чумчуқ бундоқ жавоб қилибди: «Аввалги икки сўзни унутган — сен, нодон, учинчисини нима қиласан? Ўтганга ғам ема, маҳол нарсаларга ишонма, деб айтмабмидим сенга? Менинг патларим билан гўштим ўн мисқол ҳам чиқмайди-ю, қандай қилиб икки марварид — қирқ мисқол нарса мўъжаз қорнимга жо бўлсин, ахир?! Шундай бўлган тақдирда ҳам қўлдан кетган нарсага ачинмоқдин не суд?» Шу сўзларни айтибдию чумчуқ учиб кетибди.

***

Ибн Ас-Симок (раҳматуллоҳи алайҳи) бундоқ деган эканлар: «Таъма — бўйиндаги сиртмоқ ва яна оёқдаги занжир эрур. Бўйнингдаги сиртмоқни чиқариб ташла, токи оёғингнинг бандлари ҳам ечилсин».

***

Али (розияллоҳу анҳу) айтдилар: «Сабр бирлан иймон мисоли бош бирлан тан эрур: кимдаки бош йўқдир, тан йўқдир ва кимнингким сабри йўқдир, иймони йўқдир».

***

Иброҳим ибн Адҳам (раҳматуллоҳи алайҳи) нақл қиладилар: «Бир кун ёлғиз саждада эрдим, ёмғир ёғарди, Худога; «Парвардигоро, мени маъсиятдан ўзинг асрагил, гуноҳ ишлардан ўзинг паноҳ бергил», деб илтижо қилдим. Шу маҳал Каъбадан бундоқ овоз келди: «Сен карам истарсан ва жамийки бандалар ҳам шуни хоҳларлар, агар ҳаммани мен гуноҳдан фориғ этсам, унда фазлу раҳматимни кимга кўрсатаман?»

***

Расулуллоҳ салоллоҳи алайҳи вассаллам айтдилар: «Менга беҳиштни кўрсатдиларким, аҳли жаннатнинг кўпчилиги дарвешлар эрди, дўзахни намоён этдиларким, унда бойлару зўравонлар бисёр эрди». Яна ажабландиларки: «Жаннатда аёллар камчил экан, сўрадимки, алар қайдалар?» Жавоб бундоқ бўлди: «Аёлларни у дунёнинг зебу зийнатлари банд этиб қўймиш».

***

Аҳмад ибн Ҳанбални бир солиҳага уйлантираётганларида ул кишига бундоқ дедилар: «Бул заифанинг ўзидан ҳам оқилароқ синглиси бордир, лекин бир кўзи кўрдир». Аҳмад ибн Ҳанбал ўшанга уйланди.

***

Бир куни Зулайхо Юсуф алайҳиссаломни ҳузурига чорлади ва ул зот ҳозир бўлгач, ўзи сиғинадиган бутнинг устини ёпиб қўйди. Буни кўриб Юсуф алайҳиссалом айтдилар: «Сен бир тошдан уялмоқдасан, мен ҳамма нарсани кўриб турган арзу самолар яратгувчисидан нечук уялмайин?»

***

Абдуллоҳ ибн Динор бундоқ нақл қиладилар: «Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) бирлан Макка йўлида кетиб борардик, қайсидир манзилга етгач, кўрдикки, бир қул чўпон тоғдан қўй ҳайдаб тушмоқда. Умар ундан сўрадилар: «Қўйларингдан биттасини менга сотгил». У бундоқ деб жавоб берди: «Мен бор-йўғи бир қулман ва бу қўйлар менинг мулким эмасдир». Умар яна сўрадилар: «Хўжангга қўйни бўри еб кетди, деб айтгил, билиб ўтирибдими?» Қул жавоб берди: «Хўжам билмаса, худо билади-ку?» Умар йиғладилар ва айтдилар: «Ушбу сўзинг сени бу дунёда озод қилган эрса, мени у дунёда озод этгай, иншооллоҳу таоло».

***

Абу Сулаймон Дороний айтибдилар: «Тафаккур — бу дунёда охират ҳижобидир ва охиратда — анинг самари — ҳикмат ва кўнгиллар тириклигидир».

**Сирожиддин САЙЙИД тайёрлади.**

• *Башорат садолари*

## ОВРУПОНИНГ БУДДАСИ

Эпикур замонидан Суқроту Афлотун, Фалесу Пифагор, Буддаю Моний давригача, Зардўшт фалсафасидан то Мартин Хайдеггер таълимотигача мислсиз шаън-шавкат ила намоён бўлиб келган олам ва одам ҳақидаги нодир фалсафа вакилларидан бири Фридрих Ницшедир.

Ницше 1844 йилда Германияда туғилди. Бонн ва Лейпциг шаҳрида таълим олди. Йигирма икки ёшида газетада адабий ходим бўлиб ишлади. Йигирма тўрт ёшида Базел университети илмий ҳимоясиз унга докторлик даражасини тақдим этди. У ўша даврдаги буюк немис мутафаккирлари Якоб Буркхардт ва Рихард Вагнер билан дўст тутинди.

Ницше 1876 йилда оғир дардга чалинди. Халқ орасида Ницше ақлдан озиб, руҳий касалликлар шифохонасига тушибди, деган миш-мишлар тарқалди. «Руҳимнинг балоғати худди мана шу даврга тўғри келади», деб ёзган эди Ницше таржимаи ҳолида. У дарддан фориғ бўлгач, янада кучга тўлди. Университетда дарс берган кекса устози Ричл унга, бу жуда ноёб сиймо, у нимани истаса, ҳаммасига қодир, деб таъриф берган эди. Навоийга сабий чоғларида Аттор қандай таъсир қилган бўлса, Ницшега Артур Шопенгауэр шундай таъсир кўрсатди. У Шопенгауэр асарларини ва айниқса, «Дунё: ирода ва тасаввур сифатида» китобини ёдлаб олар даражада севиб ўқиди. Бу асар унинг тақдирида кескин ўзгариш ясади.

1872 йилда Ницше «Трагедиянинг мусиқа руҳидан туғилиши» деган асарини ёзди. Асар Германия ва Оврупода катта шов-шувга сабаб бўлди. У антик маданият ва антик тафаккурга қўйилган буюк ҳайкал деб баҳоланди. Шундан сўнг олимнинг «Бевақт қораламалар», «Инсонга хос, ҳаддан ташқари инсонга хос», «Кувноқ билим», «Аччиқ ҳикмат», «Зардўшт таваллоси», «Яхшилик ва ёмонликнинг нариги тарафида», «Ахлоқнинг келиб чиқиши», «Санамларнинг шоми», «Дажжол», «ЕССЕ НОМО» деган йирик фалсафий-адабий асарлари дунёга келди. Уларда олимнинг фикри жуда кенг миқёс касб этади. Ницше таъбири билан айтганда, у тўла-тўкис ва батамом Оврупо руҳига йўғрилди. Ницше инсон ва унинг ҳаёти ҳақидаги анъавий қарашларни синдирди ва ҳаммасини қайта баҳолаб чиқди. У, одам боласида махлуқ ва холиқ бир бутун бўлиб кетган деб ёзди ва ўзининг беҳад қудратли фалсафий тафаккурини одамни махлуқликдан қутқариб, холиқлик мақомига кўтаришга қаратди. Эҳтимол, бу сўзлар бизга ўта шаккоклик бўлиб туюлар. Бир замонлар Мансур Ҳалложнинг «Аналҳақ!» деган шиори ҳам кўпчиликка шаккоклик бўлиб туюлган, лекин кейинча уни тушунувчилар топилган. Тафаккур тараққиёти шуни тақозо этади. Инсон махлуқликдан халос бўла бориб охири комиллик — холиқ даражасига етади. Бу мақомда у Ало, яъни энг баркамол одамга, одамлар сарварига айланади.

Ницше асарларини ҳикмат оҳангида ёзади, ҳикмат айтаётгандек сўйлайди. Уларда фикр кўпиради, туйғу жўшади.

Ницшенинг ҳикматлари инсон ва унинг эртаси, олам ва унинг келажаги ҳақидаги ўтли башоратлар билан лиммо-лим. Чиндан ҳам, Ницше ижоди — бошданохир башоратдир. У бежиз, мен Оврупонинг Буддасиман, демаган.

Ницше ҳикматларини бир бор ўқиган одам ундан бош кўтаролмайди. Зотан, озодликни, ахлоқийликни ва ғайриахлоқийликни Ницшедек тушунтира олган одам йўқ.

Оврупо фалсафасини, Ницше таълимотини ўрганмай туриб, бугунги дунёнинг сир-синоатини англаб бўлмайди.

Биз ўқувчиларимизни Ницшедек буюк аллома ва адиб ижодига «Зардўшт таваллоси» асаридан бошлаб ошно этишга қарор қилдик. Нега айнан шу асар танланди? Чунки, Зардўшт, ҳарқалай, Шарқ одами. У бундан икки ярим минг йиллар муқаддам бизнинг кенгликларда яшаб ўтган.

Ницшенинг туғишган синглиси Елизавета Фёрстер—Ницшенинг ёзишича, улуғ файласуф Зардўштни болалик чоғида тушида кўрган. Ницше илк асарларида етук одамни тарбиялаш, буюк шахсларни вояга етказиш ғоясини илгари сурган ва кейинчалик бу ғоя уни бутунлай банд этган. «Бирон бир буюк одамни яратиш учун инсоният тинимсиз меҳнат қилиши керак. Унинг вазифаси фақат мана шу, бошқа нарса эмас», деб ёзган эди у илк асарларидан бирида.

Ницше, Зардўшт — бутун борлиқнинг энг олий суратда намоён бўлиши, дейди. У — Ало одам, деб эътироф этади. У Зардўштни Оврупо цивилизациясининг Цезар, Шекспир, Данте, Рихард Вагнер, Байрон ва унинг қаҳрамони Манфред, Генрих Гейне каби етук намояндалари билан теппа-тенг деб билади. Унинг назарида, уларда Зардўштдан ва Зардўштда улардан нимадир бор.

«Зардўшт таваллоси» — буюк бир илҳом ва башорат қудрати билан ёзилган асардир. Зардўшт каломи ҳақида Ницшенинг ўзи: «Бунда ҳикмат эҳтирос кучидан қалтирайди, нутқ мусиқага айланади», деб ёзган эди. Зардўшт бу асарда мислсиз бир тимсол, мислсиз бир таълимот, мислсиз бир дастурдир. У — бошдан-оёқ Ницшенинг ўзидир.

Ницше асар услубига жуда катта аҳамият беради, уни мусиқа каби яратади. Лекин бу мусиқа ўз-ўзидан туғилган эмас. Унинг асоси — қадимий Шарқ, хусусан, паҳлавий ҳикматларидир. Қадим паҳлавий матнларида Адурбод Зардўшт ўғлининг мана бундай сўзлари ёдгор бўлиб қолган:

«Ва у айтди: «Мен давлатмандлик, қашшоқлик ва ҳукмфармолик йўлларидан ўтдим. Давлатманд бўлган чоғимда саховат қилдим, қўлим очиқ бўлди; тахтга ўтирганда камтар ва шафқатли бўлдим; қашшоқлигимда ҳамма нарсани тиришқоқлик билан меъёрида қилдим. Тинчликни сақлаш — жанг қилмоқдан афзалдир. Кек сақламоқдан кўра, умид билан яшаган беҳроқдир. Хотиржам бўлмоқ ва ғазабдан сақланмоқ — хайрлидир. Мол-мулкингизнинг бир қисмини бўлишмоқ ва ёлғон гувоҳга ўтмаслик — барчасидан яхшироқдир. Сўраган — адашмайди, қулоқ солган — хато қилмайди, кенгашган — алданмайди. Кимда-ким шуни тушунган бўлса, ундан кўра мамнунроқ кимса йўқдир. Кимгаки Худо мададкор бўлса, у барча кулфатлардан озоддир».

Шу сўзларни Ницше ҳикматлари билан қиёслаб кўрсак, буюк муаллиф ўз ижодий интилишларида не қадар Шарққа талпинганига гувоҳ бўламиз ва шу интилиш шарофати билан Оврупо ва Шарқ тафаккурининг меваси етилганини англаб оламиз. Яна бир гап: мазкур асар қаҳрамонини Оврупода «Зороастр» ва «Заратуштра» деб атар эдилар. Қадим матнларда эса «Зардўшт» дейилган. Биз ҳам «Зардўшт» дейишни маъқул топдик.

**Иброҳим ҒАФУР.**



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Ф. Санаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0255. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 20.15. 1 2 3 4 5 6